## ШОВОТ ТУМАНИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

**Қадрли дўстлар!**

**Сизларни мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарганингиз билан чин дилдан табриклайман!**

**Куни кеча сиз билан дийдор кўришиб, ишларингиз, турмуш шароитингиз, орзу-умидларингиз хусусида суҳбатлашиб, юрагингиздаги ғайрат-шижоат, қалбингиздаги тоза ниятлардан мамнун бўлиб қайтган эдим.**

**Сизнинг бугунги ғалабангизни эшитиб, шовотлик деҳқонларда халқимизнинг лафзи ҳалоллик, мардлик ва тантилик хислатлари мужассам эканлигига амин бўлдим.**

**Сиз етиштирган ва ўз вақтида йиғиб-териб олинган 33 минг тоннадан зиёд хирмон — бу туманда ислоҳотларга жиддий эътибор берилаётганлиги, замонавий техникадан унумли фойдаланилаётганлиги, деҳқонларда ерга эгалик ва моддий манфаатдорлик туйғуси тобора ошиб бораётганлигининг самарасидир. Деҳқон қадрини топса, ер хазинага айланади.**

**Сизларнинг кўҳна Хева шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланадиган кунларгача 40 центнерлик маррани эгаллаш ҳақидаги ниятингиз ибратга сазовордир.**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-омонлик тилайман. Хонадонингиздан файзу барака аримасин!**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ.**

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабековни Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳакимович Жўрабеков Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 сентябрь.

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**Р. Ў. Аҳмедовни Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида**

Рустам Ўрмонович Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири этиб тайинлансин ва шу сабабдан у Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 сентябрь.

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**Ҳ. Қ. Турсуновни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тайинлаш тўғрисида**

Ҳикматулла Қўчқорович Турсунов Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 сентябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪРИФАТ АҲЛИГА

**Қадрли устозлар ва мураббийлар!**

**Азиз ватандошлар!**

**Сизларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбдан самимий табриклайман.**

**Бу кун айни йилдан эътиборан Ватанимизда миллий байрам сифатида нишонланмоқда. Шунинг ўзи ёш қалбларга эзгулик уруғини сочаётган, улар юрагида илм-маърифат машъалини ёқаётган сиз каби заҳматкаш касб соҳибларига давлатимиз ва халқимиз ҳурмат-эҳтиромининг яна бир ёрқин намунасидир.**

**Бугун биз жамиятимиз ҳаётида юксак маънавиятни барқарор этиш сиёсати йўлида авваламбор сиз азиз ўқитувчилар ва мураббийларга суянишимиз бежиз эмас. Негаки, фақат маърифатли, билимли инсонгина маънавиятли бўла олади.**

**Шу нуқтан назардан қараганда, бугунги муаллимлар ва мураббийлар байрамини ҳақли равишда миллий маънавиятимиз ва маърифатимиз байрами, деб айтишимиз мумкин.**

**Муаллим — миллатнинг юзи. Ватан истиқболининг асл бунёдкори. Эртанги кунимиз, барча соҳалардаги ўзгариш ва янгиланишлар тақдири, қолаверса, мамлакатимиз тақдири сизнинг қўлингизда. Чунки замон сиздек азиз инсонлар зиммасига дунё илм-фани ютуқларидан яхши хабардор, жаҳоний миқёсларда халқимиз номидан баралла сўз айта олувчи, Ўзбекистон шаънини улуғлашга қодир фарзандларни камол топтиришдек ғоят масъулиятли вазифа юкламоқда.**

**Сизларнинг таълим соҳасидаги бой миллий анъаналар, замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этувчи янги миллий дастуримизда кўзда тутилган улуғвор вазифаларни бажаришга қодир эканингизга ишончим комил.**

**Ана шу эзгу йўлдаги масъулиятли ва қутлуғ ишларимизда Оллоҳнинг ўзи сизларга мададкор бўлсин.**

**Байрам оларида барчангизни яна бир бор қутлаб, сизларга куч-қувват, сиҳат-саломатлик, оилавий фаровонлик тилайман.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ.**


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1997 йил 30 сентябрь, сешанба № 115 (22.199).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


# ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИ – ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИКДИР

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ 26-27 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ХОРАЗМ ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА БЎЛДИ

**СУРАТЛАРДА: Ислом Каримовнинг Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бўлиши.** **Ф. ҚУРБОНБОЕВ, А. ТЎРАЕВ ва Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Ўзбекистонни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари жойларда қандай ҳал этилмоқда? Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида қандай муаммолар бор? Янгича шароит, бозор муносабатлари одамлар онгида ўзгариш ясаяптими? Ёруғ келажак, фаровон ҳаёт сари ҳаракатимизни тезлатиш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида янада самарадорликка эришиш учун яна нималар қилиш керак?

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг вилоятларда бўлиб, раҳбарлар, мутахассислар, деҳқонлар билан очиқ суҳбат қуриб, ана шу саволларга жавоб излаши, зарур маслаҳат ва тавсиялар бериши яхши анъанага айланиб қолди. 26—27 сентябрь кунлари Хоразм ва Қашқадарёда бўлган самимий мулоқотларда ҳам ана шу — Ватан келажаги, халқ манфаати учун қайғуриш руҳи уфуриб турди.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари салмоқли ўрин тутади. Бу ерда ташкил этилган қўшма корхоналар, газ ва нефть иншоотлари саноатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу йил давлатга хоразмликлар 300 минг 200 тонна, қашқадарёликлар эса 326 минг 800 тонна ғалла топшириб, шартнома мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Шу кунларда 290 минг тонналик Хоразм, 420 минг тонналик Қашқадарё пахта хирмонини уйиш учун деҳқонлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

### ДАРВОЗА — ГЎЗАЛ, ЮРТ — ОБОД БЎЛСИН

Халқимизда, уй остонадан бошланади, деган ҳикмат бор. Шу маънода, аэропорт — ҳар бир мамлакат, ҳар бир вилоятнинг рамзий дарвозаси бўлиб, у ҳақдаги илк таассурот айнан шу ердан бошланади. Мустақиллик шарофати ила Ўзбекистон дунёга юз очди. Мамлакатимиз нуфузли халқаро анжуманлар ўтказиладиган илмий-маданий марказ мавқеига эга бўлди. Шу боис аввалига Тошкент, Самарқанд тайёрагоҳлари хорижий мутахассислар иштирокида таъмирдан чиқарилиб, замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Юбилей муносабати билан Урганч ва Бухоро аэропортлари ҳам халқаро йўналишларда учадиган ҳар қандай самолётлар қўна оладиган, жаҳон андозаларига жавоб берадиган қилиб таъмирланди.

Президент Урганч аэропортини кўздан кечирар экан, янги қурилган терминалнинг торлиги, бу йўловчилар учун ноқулайликлар туғдиришига эътиборни қаратди. Мавжуд камчиликларни тузатиш юзасидан тавсиялар берди.

Қаршида қарийб ўн йил мобайнида шаҳар аэропортида сезиларли ўзгариш бўлмаганини танқид қилди.

Биз бу ерда бир вақт эккан ниҳоллар улкан дарахтларга айланибди, деди Ислом Каримов. Кенг ва чароғон кўчаларни, кўркам хиёбонларни кўриб, Қаршини кўкаламзор Фарғона водийси шаҳарларидан фарқлаш қийин. Лекин афсуски, вилоят марказида кўзга кўринадиган бирон замонавий бино йўқ. Тўғри, қашқадарёликлар ғалла, пахта етиштиришда, бошқа кўпгина соҳаларда катта ютуқларга эришмоқда. Буни эътироф этамиз. Аммо ислоҳот дегани ана шу режаларни бажаришгина эмас. Ислоҳотларнинг моҳияти — халқ учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, содда қилиб айтганда, одамларни рози қилишдан иборатдир.

Қарши, Касби, Косон туманларини айланар эканмиз, йўл бўйларида қурилаётган кўплаб уй-жойларни кўриб қувондик. Биров темир-бетон, биров пишган ғишт, кимдир эса пахсадан бино қуряпти. Шу жойдаги раҳбар, ҳоким, агар у шу ернинг эгаси бўлса, ана шу ишларни тартибга солмайдими? Ахир, XXI аср остонасида турганимизни, шу уйларда туғилажак фарзандларимиз келгуси асрда яшашини унутмайлик. Биз XXI асрга пахса уйларда кириб борамизми? Ёки бутун мамлакатни газ билан таъминлаб турган вилоятда газлаштириш даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичлардан пастлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Раҳбарларнинг ўз ишидан қониқмаслиги, доимий изланиши — тараққиёт омилидир, дея таъкидлади Президент. Акс ҳолда, тараққиёт тўхтайди. Шундай экан, ҳар бир мутасадди раҳбар, ўзига мендан қандай бино, мактаб — умуман нима қолди, деган саволни бериб ишлаши лозим.

### ЮКСАК ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ДЕҲҚОНЧИЛИК — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Президент Ислом Каримов сафар давомида бир неча деҳқончилик хўжаликларида бўлиб, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг бориши, унинг натижалари ва истиқболлари билан қизиқди. Хоразм вилояти Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалигидаги суҳбат шоличиликни ривожлантириш ҳақида бўлди. Жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувақов шолидан ўтган йил 50 центнердан ҳосил олингани, бу йил эса 60 центнерлик маррани кўзлашаётганини гапириб берди. Бу самарадорликка Корея технологиясини қўллаш — шолини кўчатлаб экиш орқали эришилмоқда. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ҳосил одатдагидан 7—10 кун эрта етилади, шоли ўтоқ қилинмайди, сув кам сарфланади, ҳосилдорлик эса ўртача 10 фоиз ортади.

Давлатимиз раҳбари бепоён майдонда тўлқин-тўлқин бўлиб турган бўлиқ бошоқларга мамнунлик билан назар ташларкан, раисдан сўради:

— Ҳосилни йиғиб олишда қайси комбайндан фойдаланасизлар?

— «Кейс» комбайнларини ишлатамиз, — деди Машарип ака.

Гап қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш, машина-трактор парклари фаолиятига бориб тақалди.

Машина-трактор парклари ни маблағларни бир ерга жамлаган ҳолда янги техника воситалари билан тўлдириб бориш, уларнинг ишини яхшилаш учун хўжаликлар уларга эга бўлиши лозим, деди Ислом Каримов. Бунинг учун эса улар чиқарган акцияларнинг маълум қисмини сотиб олиш керак. Шунда бу парклар нинг сиёсатини белгилашда, яъни, қандай трактор ёки комбайн сотиб олиш, уларни ишлатишда хўжаликлар ҳукмрон бўлади. Чунки, барча ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи тармоқлар — МТП, банк, ўғит ет-

**(Давоми 2-бетда).**

## *ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ*

*Дунёдаги энг олийжаноб ва заҳматли касб мураббийликдир.*

Ж. Ж. РУССО.

*Билим, фақат билимгина инсонни озод ва улуғвор қилади.*

А. И. ПИСАРЕВ.

*Илмдон бир шуъла дилга тушган он,*
*Шунда билурсанким, илм бепоён.*

А. ФИРДАВСИЙ.

*Барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши билим ва тарбия олган инсондир.*

ЭПИКТЕТ.

*Оз бўлса ҳам билмоқ учун кўп ўқимоқ зарур.*

Ш. МОНТЕСКЬЕ.

*Шогирдсиз устоз — мевасиз дарахт.*

САЪДИЙ.

*Кўп билган эмас, билими манфаат келтирувчи донодир.*

ЭСХИЛ.

*Ўзинг аъло даражада билган нарсангни ўзгаларга ўргатишдан ҳам кўра ҳалол-пок ва саховатлироқ иш бўлиши мумкинми?*

КВИНТИЛИОН.

*Ўқимишлилик аччиқ илдизнинг ширин мевасидир.*

КАТОН.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

**(Иккинчи манзара)**

**МАДАЛИЕВА Манзура Абдуллаевна — Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб математика ўқитувчиси, Фарғона вилояти.** *Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.*

**Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими жорий этилган бўлиб, мактабгача тарбия, умумий, мактабдан ташқари, ҳунар техника, ўрта махсус ва олий педагогик таълим, илмий ва илмий педагоглар тайёрлаш, касбий малакани ошириш, ошладаги ҳамда мустақил таълимларни ўз ичига олади.**

**Ҳозирги пайтда республикамиздаги 500 га яқин боғча гуруҳларида 10 мингдан ортиқ болалар инглиз, немис, француз, араб ва бошқа чет тилларини ўрганмоқдалар.**

**Мамлакатимиздаги 8908 мактабгача тарбия муассасаларида 1 миллиондан ортиқ бола тарбияланмоқда. Уларга таълим ва тарбия бериш учун 110 мингга яқин педагог ходимлар жалб қилинган.**

- *Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида 414 мингга яқин ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бермоқда. Улардан 301 мингдан ортиғи олий, 18 мингга яқини тугалланмаган олий, 89 минг нафари ўрта махсус маълумотга эга. Ўрта махсус маълумотлилар 22 фоиз, тугалланмаган олий маълумотлилар 4,3 фоиз, олий маълумотлилар 73,7 фоизни ташкил этади.*
- *Умумтаълим мактабларида ишлаётган педагог ходимларнинг 41 фоизини эркаклар, 59 фоизини аёллар ташкил этади.*
- *Ҳунар билим юртларида эса 20172 педагог ходимлар меҳнат қилаётган бўлиб, уларнинг 10459 нафари эркаклар, 9713 нафари эса аёллардир. Бунда эркаклар 51,8 фоизни, аёллар эса 48,2 фоизни ташкил этади.*
- *Педагогика билим юртларида ва индустриал-педагогика техникумларида 2724, педагогика институтларида эса 1905 юқори малакали педагоглар ёшларга таълим ва тарбия беришмоқда.*

**Республика умумтаълим мактаблари ва уларда таълим ва тарбия олаётган ўқувчилар (минг) сони**

| ЙИЛ | МАКТАБЛАР СОНИ | УЛАРДАГИ ЎҚУВЧИЛАР СОНИ |
|---|---|---|
| 1993 | 8745 | 4639,9 |
| 1994 | 8963 | 4745,9 |
| 1995 | 9092 | 4907,0 |
| 1996 | 9243 | 5065,9 |

# ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИ – ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИКДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

казиб берувчилар, деҳқонга хизмат қилишига эришиш лозим. Жамоа хўжалигидаги ички мулкий муносабатларда — даромадни тақсимлаш, маош ва дивидендларни тўлашда хўжалик эркин бўлиши даркор. Деҳқон меҳнати ҳар томонлама, ҳатто дифференциал солиқлар орқали рағбатлантирилиши лозим.

Қашқадарё вилояти, Касби тумани Ҳамза Хўжақулов номидаги пайчилик хўжалигининг Аваз Раҳимов бошлиқ ижарачилар звеноси 32 гектар ерга «С 65—30- навли чигит эккан. Етиштирилган ҳосил хирмон юксак бўлишидан далолат бериб турибди. Пахтанинг очилиши чигит плёнка остига экилган майдонлардан қолишмайди. Бу ҳол Президентнинг эътиборидан четда қолмади, албатта.

— Баҳорда ёғингарчилик кўп бўлиб, чигит экиш муддати чўзилиб кетди, — деди Аваз Раҳимов. — Шунинг учун ерни ҳайдаш олдидан ўғитлаб, очиқ усулда экдик. Чунки ернинг ҳарорати анча кўтарилиб қолган эди.

Андижонликлар тажрибасининг афзалликлари кўп, деди Ислом Каримов. Лекин уни ер исий бошлаши биланоқ, яъни март ойида чигит экканда қўллаш керак. Плёнка остидаги чигитни суғориш шарт эмас. Плёнка ўзи намни тўплайди. Умуман, ҳар бир деҳқон чигитни қачон, қандай усулда экишни ўзи ҳал этиши лозим. Талаб эса битта: ҳосил иложи борича эрта етилсин. Биз йиғим-теримни октябрь ойида тугаллашимиз керак. Деҳқон ноябрь ойида ерни ҳайдасин...

Бунга эришиш учун теримчилар, механизаторлар меҳнатини рағбатлантириш лозим. Пахта терими мавсумини ғоятда ўтказиш ҳақидаги ҳукумат қарорида терилган пахтага тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда «камида» деган сўз бор. Шунга эътибор бериш, теримчиларга кузнинг очиқ, ғанимат кунларида кўпроқ ҳақ тўлаш лозим. Токи, мавсум вақтида якунлансин. Чунки, ҳосил ёғин-сочинга қолмай сотилса, нави юқори бўлади, даромад кўпаяди. Ҳар бир хўжалик раҳбари, бригадир олинадиган даромадни ҳисоблаб иш кўриши керак. Чунки одамларнинг турмуш таъминоти ана шу даромадга боғлиқ.

Косон тумани «Ғулистон» жамоа хўжалигининг Баҳодир Қодирқулов бошлиқ бригадаси даласидаги суғорилган эса ғўза навлари, уларни ер шароитига мослаб танлаш хусусида гап борди. Давлатимиз раҳбари «С 65—30», «Юлдуз», «Бухоро—6» навларининг ўзига хос жиҳатлари билан қизиқди.

Ҳар бир туманда битта асосий нав экилиши, икки хил нав эса синовда бўлиши лозим, деди Ислом Каримов. Ҳозирнинг ўзидаёқ келгуси йили қайси майдонга қандай нав экилишини белгилаб чиқиш керак. Шунга қараб заводлар уруғ тайёрлаши, уни вақтида хўжаликларга етказиб бериши даркор.

Нега бошқа пахта экадиган давлатлар, масалан, Исроил, ҳар гектар ердан 70 центнерга етказиб ҳосил олади-ю, бизда бу кўрсаткич 26,7 центнердан деярли ошмайди. Чунки уларда изланиш бор, ҳисоб-китоб бор, навни синчиклаб танлайди, дунёнинг қайси бурчагидан бўлса-да техниканинг яхшисини олиб келади, томчилатиб суғоради.

Сизнинг ҳузурингизга келишдан мақсад ҳам тавсия бериш эмас, балки ўрганиш, хулосалар чиқаришдир. Қолаверса, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида чиқарилган фармон ва ҳукумат қарорларининг натижасини кўриш, бу соҳада яна қандай ечимлар керак, шуни аниқлашдир. Бунда аввало, ер, унга эгалик масаласини ҳал этиш керак. Ахир, одамлар томорқадан деярли икки баробар кўп ҳосил олади-ку. Хуллас, ер, пайчилик, мулкка эгалик масалаларига ойдинлик киритиш эҳтиёжи сезилмоқда. Бусиз қишлоқ хўжалигида юқори натижаларга эришиш қийин.

Шуни унутмайликки, қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар кутилган самарани берсагина — барча соҳаларда ўзгариш бўлади.

Қарши тумани Собир Раҳимов номидаги жамоа ширкат хўжалигидаги Ойсара Келдиева бошлиқ ижарачилар звеноси аъзолари билан учрашувда Ислом Каримов уларнинг даромади, яшаш шароити ҳақида сўради.

Инсон дунёда яшар экан, аввало фарзанд тарбиялаши, теран маънода айтганда, уй қуриши, дарахт ўтказиши керак. Бизнинг халқимиздек меҳнаткаш халқ дунёда кам топилади. Айниқса, аёлларни, уларнинг меҳнатини қадрлаш — жамиятнинг муҳим вазифасидир, деди давлатимиз раҳбари. Кеча Хевада чет эллик сайёҳлар орасида ёши 90 га бориб қолган икки аёлни учратдим. Олис Франциядан Ўзбекистонни томоша қилиш учун келибди. Биз-чи?

Бизнинг оналаримизнинг дунёни кўришга ҳаққи йўқми? Демоқчиманки, аёл ўзини ҳам ўйлаши керак. У фарзандлари билан шипи баланд, нурафшон уйларда яшаши, болалари сут ичиб, илиги тўлиб улғайиши лозим. Бу аввало ҳар бир оиланинг ўзи учун, қолаверса, Ватан учун керак, дея таъкидлади Президент. Муҳими, одамлар бизнинг сиёсатимиз моҳиятини, ислоҳотлар мақсадини тобора теран ҳис этиб боряпти. Улар ўзгаряпти, зеро, одамлар дунёқарашида ўзгариш бўлса — ҳаёт ҳам ўзгаради.

### ҲАР ИШДА ФИДОЙИЛИК КЕРАК

Яқин кунларда халқимиз яна бир байрам — Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлайди. Президент Ислом Каримов бой тарихимиз дурдонаси — Хевада амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари билан танишди.

Тарихий обидаларга иккинчи ҳаёт бағишлаётган меъмор ва усталарнинг нозик санъатини юқори баҳолади. Шу билан бирга айрим камчиликларга, хусусан, реклама ва ёзувлардаги нуқсонларга эътиборни қаратди. Сайёҳлар ва юбилей меҳмонларининг автобусларда келишини, бунинг учун эса меъморий обидалар атрофида кенг майдонлар бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Қарши шаҳрида соҳибқирон Амир Темур хиёбони бунёд этилмоқда. Унинг биринчи босқичи қуриб битказилди. Давлатимиз раҳбари хиёбонни кўкаламзорлаштириш, унинг атрофини ободонлаштириш — хиёбон руҳига мос келтириш борасида маслаҳатлар берди.

Президент Қарши шаҳридаги янги таъмирдан чиқарилган «Меҳнат» стадионини кўздан кечирди. Маҳаллий «Насаф» футбол жамоаси раҳбар, мураббий ва ўйинчилари билан суҳбатлашди. Уларни моддий рағбатлантириш масалалари, яшаш шароити, тиббий хизмат кўрсатиш, спорт жиҳозлари билан қизиқди.

Бизнинг республикамизда футболни ривожлантиришнинг асосий омили профессионал клублар тузишдир, деди Ислом Каримов. Шунда футболчига ҳақ тўлаш ҳам,улар билан жамоа раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар ҳам замонавий йўлга тушади. Чунки, футболчилик кўнгилёзар машғулот эмас, профессионал ҳунар - касб бўлиши керак. Футболчи 10—15 йил давомида келгуси ҳаётини таъминлаб қўйиш имконига эга бўлиши лозим. Биз бу масалаларни ҳал этамиз, албатта.

Бу соҳадаги яна бир вазифа — ҳар бир жамоа ўз мактабига — қиёфасига эга бўлиши лозим. Футболчилар шуни унутмаслиги керакки, улар ўзи учун эмас, балки шаънини ҳимоя қилаётган вилоят, халқ учун, ўзбек футбол мактабини шакллантириш учун ўйнайди. Бунинг учун эса у, ҳамма соҳадаги каби, ватанпарвар, фидойи инсон бўлиши даркор.

Президент Ислом Каримов Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари бўйлаб сафари давомида кўпчилик билан учрашди, уларни дилдан суҳбатга чорлади. Икки воҳа меҳнаткашлари амалга ошираётган ишларни юксак баҳолади. Улар ер, иқлим шароити оғир бўлсада, фидокорона меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришаётганликларини қайд этди. Камчиликларга келсак, давлат ҳам оиладек гап, ундаги жараён, ютуқ ёки камчиликлардан мамлакат раҳбари доимо хабардор бўлиши, керак бўлса ёрдам бериши лозим, деди Ислом Каримов. Чунки мақсадимиз бир — мустақил, яхлит Ўзбекистонимиз тараққиётини янада тезлатиш, халқимизни ёруғ кунларга тезроқ етказиш, азиз Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида барча соҳада муносиб ўрин эгаллашига эришишдир.

Давлатимиз раҳбари сафар ниҳоясида Урганч ва Қаршида вилоят раҳбарлари, туман, шаҳар ҳокимлари иштирокида йиғилиш ўтказди. Мутасаддиларга мавжуд камчиликларни бартараф этиш, иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш юзасидан тавсия ва топшириқлар берди.

Президент Ислом Каримовнинг Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари бўйлаб сафари чоғида унга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг матбуот котиби М.Муҳаммад Дўст, Хоразм вилоят ҳокими Искандар Юсупов, Қашқадарё вилоят ҳокими Озод Пармонов ҳамроҳлик қилди.

**Аҳмад ХЎЖА,**
**Илҳом САФАР,**
**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

*Барчамиз яхши биламизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.*

**Ислом КАРИМОВ**

# ИСТИҚБОЛ БУНЁДКОРЛАРИ БАЙРАМИ

29 сентябрда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ерда фарзандларимизни мамлакатимизнинг буюк келажагига муносиб ворислар қилиб тарбиялаётган соҳа вакиллари тўпланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси маърифат аҳлига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев ўқиб эшиттирди.

«Республика халқ таълими тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Президент Фармонига мувофиқ юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган ўқитувчи ва мураббийларнинг бир гуруҳига Ватаннинг орден, медаль ва нишонларини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов топширди.

Маърифат аҳлига кўрсатилаётган бу қадар эъзознинг боиси шундаки, бу касб эгалари доимо инсонлар эҳтиромига сазовор бўлиб келган. Зотан, Шарқнинг буюк алломалари ҳам «устоз» сўзини ҳурмат билан тилга олган. Ватан тараққиётига ҳисса қўшган шахснинг ҳам, оддий фуқаронинг ҳам миллат фарзанди сифатида шаклланишини муаллимсиз тасаввур этиб бўлмайди. У берган билимни ҳеч бир бойлик билан ўлчамоқ, унинг олдидаги ҳаётий қарзни тўлиқ адо этмоқ мушкул вазифа.

Устоз — отангдан улуғ, дейди доно халқимиз. Бу жумлада ҳар биримизни қўлимиздан тутиб, улкан ҳаёт уммонига олиб кирган инсонларга берилган ҳақиқий баҳо мужассам. Мамлакатимизда биринчи бор умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида бу сўзни қанча такрорласак, шунча кам. Президент Ислом Каримовнинг Фармонига биноан бу куннинг умуммиллат шодиёнасига айлангани, бир гуруҳ таълим тизими ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганги муаллимлар олдидаги чуқур эҳтиромнинг юксак намунасидир. Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ёшларимизга пухта билим беришда янги имкониятлар яратади.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор соҳа ходимлари олдига катта масъулият юклаётганини, ислоҳотлар жараёни даврида замонавий билимларга эга ёшларни тарбиялаш долзарб масалага айланганини алоҳида таъкидлади.

Маросимда республика Бош вазири Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, А. Муҳиддинов, К. Раҳимов, Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

Тантанали йиғилиш Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар ижросидаги концерт билан якунланди.

**(ЎзА).**

# ҲАЛИМ МУАЛЛИМ АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТ

Юрагига яқинлиги ёки ўзи учун қадрдон масканнинг ёнидалиги учунми Ҳалим Абдураҳмонов Регистон майдонида ёлғиз хаёл суриб юришни яхши кўради. Ҳар гал қўлини орқасига қилиб, қадам ташлар экан, ана шу заминда бир пайтлар валломат инсонлар Рудакий, Жомий, Навоий, Амир Темур, Улуғбек, Али Қушчилар қадам босганлигини ўйлайди. Эҳтимол Регистоннинг боқийлиги сабаб ҳам ана шундай даҳолар руҳининг мададидадир.

Йўқ-йўқ. Буюклар руҳигина эмас, бугунги алломалар салобати ҳам бу қўҳна маскан бағрини салоҳиятга бурмоқда. Худди ана шу ерда академиклар Тошпўлат Ширинқулов, Ислом Зокиров, Ботирхон Валихўжаевлар изларини кўриш мумкин. Шу туфайли Регистоннинг оҳори тўкилмайди.

Бугун Ҳалим муаллимнинг тоби йўқроқ. Уйида ўтириб, ижод қилмоқда.

— 85 ёшимда фарзанду невараларимга, шогирдларимга эсдаликнома ёзаяпман, — деди отахон. — Уни «Мен англаган ҳақиқат» деб номладим. Эсдаликнома мингта ҳаётий ҳулосалар, панду насиҳатлардан иборат.

— Сурасак майлими, сиз англаган ўша ҳақиқат нима экан?

— Мен англаган ҳақиқатми? Агар мияси илмга, юраги меҳрга тўлиб кетган бўлсада, шогирд етиштирмаган муаллим муаллим эмас!

Ҳалим ака англаган ҳақиқат шунчаки ҳаётий ҳулоса эмас. Домла бир умр ана шу ақидага амал қилиб келади. Ахир ҳазил эмас, 63 йил ўқитувчилик қилди. Ёшларга тарихдан сабоқ берди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ўқитувчи» унвонига сазовор бўлди.

Ҳ.Абдураҳмонов вилоятдагина эмас, республикада ном чиқарган Самарқанддаги 21-урта мактабда ишлади ва унга ўн уч йил директорлик қилди.

— Бизнинг шиор битта. У ҳам бўлса ўз устида мунтазам ишлаш эди, — дейди кекса муаллим. — Деярли ҳар куни ўнлаб газеталарни ўқирдим. Китоб ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас. Назаримда, ҳозир айрим ўқитувчиларда ана шу фазилат етишмаяпти. Йўқ-йўқ, мен мақтаниш учун айтмаяпман бу гапларни. Ҳаётий тажрибамга асосланиб гапираяпман.

— Домла шогирдларингиз ҳақида гапирсангиз?

— Эҳ-ҳе, улар ҳақида фақат гапириш эмас, улар билан фахрланиш керак, ука.

Ахир, беш нафар бўлғуси академикка ўз қўлим билан етуклик шаҳодатномаси топширганман...

Бугун эса Ҳалим ака минглаб шундай шогирдларидан табриклар, мактублар олмоқда. Яқинда иқтидорли шогирди, тиббиёт фанлари номзоди доцент Абдулзоир Каримов устозини ўзининг 60 йиллик юбилейига таклиф этди. Отахонинг хурсанд бўлганини кўрсангиз эди ўша маҳалда.

— Битта кимхоб тўнни қўлтиқлаб юбилейга югурдим. Юзлаб одамлар даврасида фарзандимдек бўлиб кеттан Абдузоиржонга тўн ёпдим. Бағримга босиб, омадлар тиладим.

Мустақиллик байрами арафасида Дубна шаҳридан шогирди Арслон Мавлоновдан Ҳалим акага табрик хати келди. «Ассалому алайкум, қадрли устоз! Сизни Мустақиллик байрами билан табриклайман. Бундай табаррук саналарда сизнинг нечоғлик хизматингиз борлигини биз шогирдларингиз яхши биламиз. Худо сизга узоқ умр берсин». Дарвоқе, Арслон ака учувчиларнинг зўри, генерал-майор. Ҳозир Дубна шаҳар мэри. Унинг укаси Баҳодир ҳам авиаконструктор сифатида дунёга танилган.

— Физика муаллими Иван Алексеевич Калинеченко авиатехника тўғараги ташкил этди. Бу йигитлар ана шу тўгракнинг фаол аъзолари эдилар. Куни кеча Иваннинг «Меҳнат шуҳрати» ордени билан нишонланганини эшитиб, бошим осмонга етди. Бундай фидоий ҳамкасбларимни ҳар қанча олқишласак оз.

Ҳалим ака ҳар битта ўқувчи билан мустақил шуғулланди. 85 га кирган қариянинг шогирдлари, уларнинг оилалари, ишлари ҳақида тўхтамасдан, адашмасдан тўлқинланиб гапираётганлигини кўриб юрак тўлиб кетади.

— Самарқанд чет тиллар институтида Юсуф Абдуллаев деган ректор бор. Кимё заводининг директори, Олий Мажлис депутати Ориф Қиличев, академик Ислом Зокиров тез-тез келиб туришади. Уларнинг халққа фойдаси тегаётганини кўриб, куч-қувватга тўланам. Баъзан энтикиб «Ҳой одамлар, дунёда мендан бахтли киши йўқ!» деб айтгим келади. Чунки ўзингнинг ҳурматинг бир, шогирдингники икки экан.

Отахон билан хайрлашиб чиқар эканмиз, у киши ўқитувчилар куни муносабати билан йўқлагани учун «Ўзбекистон овози» рўзномаси жамоасига раҳматлар айтиб қолди.

— Худога шукур. Ётгани қўйишмайди. Қайси куни халқ таълими бошқармаси бошлиғи Анвар Бекмуродов бир гуруҳ муаллимларни бошлаб келди. Роса суҳбатлашдик.

— Дарҳақиқат, ўқитувчилар обрусини кўтариш, қадр-қимматини жойига қўйишга ҳаракат қилаяпмиз, — деди А.Бекмуродов. — Вилоятдаги 58 минг нафар муаллимнинг ҳар бири эътиборда. Бизда қоида битта: шогирди зўр муаллим давранинг тўрида. Нарпай, Пахтачи, Нуробод туманларида шогирди вилоят ёки республика олимпиадаларида совриндор бўлган муаллимларга 10 мингдан 30 минг сўмгача мукофотлар белгиланган. Самарқанд шаҳар ҳокими қарорига кўра, шаҳардаги мактаб ўқитувчилари транспортдан бепул фойдаланишади. Бундан ташқари ўқитувчилар, тарбиячилар ўртасида танловлар ўтказиб турамиз.

... Ҳалим муаллим англаган ҳақиқат. Назаримизда, бу ҳақиқат фақат домланинг эсдаликномасида ёзилиб қолмасдан таълим-тарбиянинг шиорига айланиши керакка ўхшайди. Хайрлашув олдидан Ҳалим ака фотиҳага қўл кўтардилар.

— Омин, юртимиз тинч, халқимиз тўқ бўлсин, устозман деган одам, албатта, ўз шогирдининг камолини кўрсин.

**Бобо САРОЙИ,**
**Фармон ИСҲОҚ.**

# ИБРАТ КУЧИ — МЕҲНАТДА

**«Пахта — 97»**

Яқин-яқинларгача Жиззах қўриғи — чўлқуварлар маскани, деб мадҳ этиларди. Кейинги йилларда ана шу баландпарвоз қўшиқларнинг авжи пасайиб қолди. Қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик ва ғаллачиликда қолоқлик юз берди. Айниқса, ойлаб-йиллаб иш ҳақи ололмаган деҳқонларнинг қўллари меҳнатдан совуб кетгани ёмон бўлди.

Албатта, бутун вилоятга шу нуқтаи назардан туриб баҳо бериш инсофдан эмас. Ҳар қандай қийин шароитда, тақчиллик ва етишмовчиликларда ҳам маҳоратини ишга солиб, мўл ҳосил етиштирган пахтакорлар, ғаллакорлар оз эмас. Аслида ишбилармонлик ҳам шу-да! Уларни ибрат қилиб кўрсатиш, иш тажрибасини ёйиш даркор. Хўш, ишбилармонлик нима ўзи? Биров белкурак билан ўра қазий олмайди, бошқа биров эса игна билан қудуқ қазий олади. Менимча, ишбилармонлик шу!

Жиззах вилоятидаги Дўстлик нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси ишчилари деярли икки касб эгалари ҳисобланишади. Улар асосий юмуш — таъминотчилик билан бирга деҳқончилик билан ҳам шуғулланадилар.

Мана, тўрт йилдирки, корхона раҳбари Дўстмурод Қодирқуловнинг саъй-ҳаракати билан тумандаги «Оқ олтин» хўжалиги ҳудудидан 20 гектар ер майдони олиб, деҳқончилик қилишмоқда. Бурноғи йил буғдой экилган эди, гектаридан қарийб 30 центнердан дон олинди. Бултур эса алмашлаб экиш қоидасига амал қилиниб ўша майдонга чигит қададилар.

Қарангки, иштиёқ ва ақиллик билан астойдил иш қилинса, мурод ҳосил бўлаверар экан. Мана-ман деган деҳқонлар ер чизиб қолган бултурги мураккаб шароитда ҳам улар туппа-тузук ҳосил кўтардилар. Йиғим-терим ниҳоясида ҳар гектар ердан 32,5 центнердан «оқ олтин» териб олингани маълум бўлди. Бу меҳнат самараси таъминотчилар жамоасига нақд 2 млн. сўм соф фойда келтирди. Қўшимча даромад ишчилар рўзғорига қут-барака киритди. Ана шу пахта туфайли жамоага ўсимлик ёғи, кунжара, шелуха сингари чорва озуқаси осмондан тушгандай бўлди.

Жамоа аъзолари бу йил ҳам ўзларининг ёрдамчи хўжаликларида астойдил меҳнат қилдилар. Асосий ишдан бўш вақтларда ҳамма — оддий ишчидан тортиб директорнинг ўзигача ғўза парваришида қатнашди. Шу боис бўлса керак, ҳосил бултургидан ҳам мўл бўлди. Кўз тегмасин, уларнинг пахтаси туманнинг олди. Биринчи теримдаёқ хирмонга 40 тонна сара хом ашё уюлди. Иккинчи терим билан хирмон салмоғи 56 тоннага етказилиб, белгиланган режа уддаланди. Ҳаваскор пахтакорлар энди 70 тонналик маррани кўзлашаётир. Унинг эгалланишига шубҳа йўқ, чунки ҳосил чўғи зўр. Пахта хирмонини барвақт яратишда Марям Йўлбарсова, Зокир Хўжақулов, Азиза Тўрақулова сингари меҳнатсеварлар жонбозлик кўрсатдилар.

Мана шунақа: биров деҳқончиликнинг ичида юриб вазифасини аранг эплайди. Бошқа биров эса, ўз ишини ҳам, деҳқончиликни ҳам боплайди. Бундайларга балли дейишдан ўзга сўз тополмайсан киши.

**У. НОРБОБОЕВ.**


# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги республикамиз Мустақиллигининг етти йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида энг сара сценарийлар учун

**очиқ танлов эълон қилади**

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Муаллиф томонидан тақдим қилинадиган сценарийда мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий-ижтимоий ҳодиса саналган, миллатимиз тақдир аъмолини ёрқин манзил сари буриб юборган истиқлолнинг ойдин йўли, Ватанни, озодлик ва ҳурлик ҳиссини англаш ва қадрлаш, иймону-диёнат, буюк мерос ва анъаналарга ҳурмат, истиқлол туфайли олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, буюк келажакка ишонч, барча халқлар ва элатлар дўстлиги, юрт мустақиллиги учун курашган аждодларимиз руҳи поклари, ҳар бир фуқаронинг маънавий камолоти каби устувор мавзулар қамраб олинмоғи ва бадиий акс эттирилмоғи лозим. Сценарийда байрам ўтказиладиган пойтахтнинг Мустақиллик майдони назарда тутилиши шарт.

**Танлов муддати: 1998 йилнинг 1 майигача.**

**ТАНЛОВ МУКОФОТЛАРИ:**

**1 ўрин — 250 (икки юз эллик) минг сўм.**
**2 ўрин — 150 (бир юз эллик) минг сўм.**
**3 ўрин — 100 (юз) минг сўм.**

Байрам сценарийси бир ярим соатга мўлжалланиши ва уч нусхада кўчирилган бўлиб, 25-30 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Муаллифлар ҳамфикр ва ҳамкорлик қиладиган саҳналаштирувчи режиссёрни тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

Танловга бир неча муаллиф биргаликда яратган сценарий билан ҳам қатнашишлари мумкин.

Сценарий қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов иштирокчилари исми-шарифлари ва турар-жойларини аниқ кўрсатган ҳолда ўз сценарийларини қуйидаги манзилга жўнатишлари лозим.

**700129, Тошкент шаҳри,**
**Навоий кўчаси, 30-уй,**
**Маданият ишлари вазирлиги,**
**1-қават, 2-3-хона, «Мустақиллик байрами» танловига.**
**тел: 144-63-73, 144-63-63.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ўзбек халқининг қадимий байрами — Наврўзга бағишланган энг сара сценарийлар учун

**очиқ танлов эълон қилади.**

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:**

Муаллифлар ўз сценарийларида Наврўз байрамининг тарихий анъаналари, қадимий халқ ўйинлари, термалари, қўшиқлари ва фольклор-этнографик хусусиятларини байрамона, кўтаринки руҳда ифода этиб, мустақиллик туфайли республикада рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни, ислоҳотларни, янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда ифода этмоғи, уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи майдонлари ва сайилгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.

**Танлов муддати: 1998 йилнинг 10 январигача.**

**ТАНЛОВ МУКОФОТЛАРИ:**

**1 ўрин — 200 (икки юз) минг сўм.**
**2 ўрин — 125 (бир юз йигирма беш) минг сўм.**
**3 ўрин — 75 (етмиш беш) минг сўм.**

Байрам сценарийси бир ярим соатга мўлжалланиши ва машинкада уч нусхада кўчирилган бўлиб, 20-30 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Муаллиф ўз сценарийсини саҳналаштиришга ҳамфикр режиссёрни тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

Танловга бир ёки бир неча муаллиф ҳамфикрликда яратган сценарийлари билан ҳам қатнашишлари мумкин. Сценарий қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Сценарийлар қуйидаги манзилга йўлланади:**
**700129, Тошкент шаҳри,**
**Навоий кўчаси, 30-уй,**
**Маданият ишлари вазирлиги,**
**1-қават 2-3-хона,**
**«Наврўз» танловига.**
**Тел: 144-63-63, 144-63-73.**

## ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

◆ *Россия Президенти Борис Ельцин Кремлда Италия Бош вазири Романо Проди билан учрашди. Музокаралар олиб борилди ва шартномалар имзоланди. Романо Проди Россия Бош вазири Виктор Черномирдин ва Россия Федерацияси Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги раҳбарлари билан музокаралар олиб боради. Италия ва Россия ишбилармонлари ҳам учрашадилар. Горький номидаги автомобиль заводида «Фиат» концерни билан ҳамкорликда автомобиль эҳтиёт қисмлари териш бўйича қўшма корхона очиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланади.*

* * *

◆ *Тайландда янги конституция қабул қилинди. Бу 1932 йилдан буён мамлакатнинг ўн олтинчи конституциясидир. Сиёсатчиларнинг таҳлилига кўра, Тайландда коррупциянинг сезиларли даражада озайгани конституцияни ўзгартиришга сабаб бўлган. Порахўрликнинг озайганини билиш учун анча илгари махсус комиссиялар тузилиб, давлат бошқарув органларидагиларнинг иши ошкора ва махфий ҳолда ўрганилган эди. Янги конституцияга кўра, парламентнинг барча аъзолари университетни тугатган бўлишлари керак. Бу кўплаб таиландликларнинг эътирозига сабаб бўлди. Чунки маълумки, Таиланд аҳолисининг 80 фоизидан ортиқроғи олий маълумотга эга эмас.*

* * *

◆ *Россияга расмий ташрифи давом этаётган Бельгия мудофаа вазири Жон Поль Понселе Россия қуролли кучларидаги қисмлардан бирини бориб кўрди. Бельгия мудофаа вазири Россия мудофаа вазири билан музокаралар олиб борди. Унда умумевропа хавфсизлиги масалалари муҳокама этилди.*

◆ *Мўғулистон пойтахти Улан-Баторга Россия Федерацияси Марказий банки раиси Сергей Дубинин бошчилигидаги делегация икки кунлик ташриф билан борди.*

* * *

◆ *Буюк Британиядаги Брайтон курорт шаҳрида лейбористлар партиясининг съезди очилди.*

* * *

◆ *Қозоғистонда Россия маданияти кунлари бошланди. У 8 октябргача давом этади.*

* * *

◆ *Россия парламент марказида мухолиф партиялар ва ҳаракатларнинг маслаҳат мажлиси иш бошлади.*

* * *

◆ *Исроил раҳбарияти фаластинликлар билан тинчлик музокараларини қайта бошлашга рози бўлди. Музокаранинг қаерда ўтиши ва муддати ҳозирча номаълум.*

* * *

◆ *Симферополда иккинчи халқаро журналистика фестивали иш бошлади. Ялтада МДҲ ва узоқ хориж мамлакатларидан кўплаб журналистлар тўпландилар. Фестиваль шаҳар «Слава Севастополя» газетасининг ўтган йили ёвузларча отиб ўлдирилган редактори қабрини бориб кўриш ва хотирасини бир дақиқа ёд этиш билан бошланди. Фестиваль доирасида «Энг яхши журналист» деган конкурс ҳам бўлиб ўтади. Голиб катта миқдордаги пул мукофоти ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.*

* * *

◆ *Швеция пойтахти Стокгольмда НАТО семинари бўлиб ўтади. Унда фавқулодда фуқаролик ҳолатлари учун масъул ҳарбий ва фуқаролик тизимларининг вакиллари иштирок этади.*

## СИЁСИЙ ИҚЛИМ

# «ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ ПАРВОЗИ»

Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилганлиги ҳақида жаҳоннинг етакчи ахборот агентликлари тарқатган хабар ҳанузгача француз матбуоти диққат марказида турибди.

Франциянинг обрўли «Лез эко» иқтисодий кундалик газетаси мухбири Дени Коснарнинг «Нефть маҳсулотлари: Ўзбекистон чет эллик ҳамкорлари билан ишлашга қатъий қарор қилди» сарлавҳали мақоласини чоп этди.

Муаллиф ўз мақоласини Бухородан қуйидаги фактларни қайд қилиш билан бошлайди: сиёсий мустақилликка эришганига олти йил тўлиб, Ўзбекистон мустақилликнинг бошқа тури — иқтисодий мустақилликка ҳам эришди. Бундан буён мамлакат ўзини энергетика ресурслари билан таъминлашга қодир. «Яқингача Марказий Осиёнинг ушбу республикаси ёқилғи маҳсулотининг аксарият қисмини Қозоғистон ва Россиядан келтиришга мажбур эди. Ҳозир эса нефтни қайта ишлашни камида 30 фоизга оширишга имкон берувчи янги ишга туширилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи туфайли Ўзбекистон чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш борасида ўта муҳим қадамни ташлади»,— деб таъкидлайди муаллиф.

Муаллиф ТЕКНИП компанияси президенти фикрига асосланиб ёзадики , ушбу машҳур француз компанияси раҳбарияти келажакда Ўзбекистонда тўплаган тажрибадан қўшни Туркманистон, Озарбойжон ва Марказий Европа мамлакатларида фойдаланишни мўлжалламоқда.

Француз журналистининг таъкидлашича, Ўзбекистонда ялпи миллий маҳсулотдаги пасайиш бошқа собиқ совет давлатларидагига қараганда энг кам даражададир. У энергетика ресурслари соҳасида ишлаб чиқариш пасаймаган, аксинча ўсишга эришган ягона давлатдир. 1990 йилдан 1996 йилга қадар нефть ишлаб чиқариш уч карра ошган ва у 7,7 млн. тоннани ташкил этган, табиий газ ишлаб чиқариш эса 20 фоизга, яъни 49 млрд. куб метрга етган.

Мақоланинг асосий ғоясини қуйидаги фикр ташкил этади:

Республика раҳбариятининг юритган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон қисқа муддатда энергетика мустақиллигига эришди ва углеводород ёқилғиси экспорт қилувчи давлатга айланди.

Бошқа «Ля Трибюн» француз газетаси Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилишини шарҳлаб, мухбир Элизабет Рошар мақоласини «Инжиниринг фирмаси Бухородa 1,5 млрд. доллар қийматга эга бўлган нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини якунлади», «Ўзбекистон ўзини Марказий Осиё давлатлари ичида тобора ривожланаётган давлат сифатида тасдиқлаяпти» деб ёзади.

Журналист ушбу сўзларининг тасдиғи сифатида СССР тарқалгандан сўнг кўп ўтмай Марказий Осиё давлатлари ичида Қозоғистон энг истиқболли давлат бўлиб туюлар эди, дейди. Қозоқларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқиши бирмунча чўзилар экан, Ўзбекистоннинг минтақадаги аҳамияти тобора оша бошлади.

Аввалига Алматига шошилаётган таниқли америкалик ва осиёлик банк намоёндалари, шунингдек ишбилармон кишилар эндиликда Тошкент томон йўл олмоқдалар.

**Жўра ДЕҲҚОНОВ,**
**«Жаҳон» ахборот агентлиги.**
**Париж.**

## ВОҚЕАЛАР ГИРДОБИДА

◆ *Машҳур олим Исаак Ньютоннинг тадқиқотчиси Майкл Уайт катта шов-шувга сабаб бўладиган янгиликни кашф этди. Ньютон қўлёзмаларига асосланиб Майкл Уайт Ньютонни нафақат машҳур олим, балки «Сўнгги энг буюк сеҳргар» ҳам деб атади. Ньютон алкимё билан жуда берилиб шуғулланган, хатто «ҳаёт элексири» ғояси билан банд бўлган. «Бутун дунё тортишиш қонуни»га келсак олим буни тангри бошқаради деб ўйлаган, деб ёзади Уайт. Олманинг узилиб тушиши ҳақидаги гап эса афсонадан бошқа нарса эмас эмиш.*

* * *

◆ *Британия газеталари ёзишича, Фидел Кастронинг никоҳсиз туғилган 42 ёшли қизи бор экан. Қиз —Алина Фернандез отасини шафқатсиз, Кубани пора ва репрессиялар билан вайрон қилган одам сифатида баҳолайди. Алина Кастрони оталик меҳридан йироқ киши дея ёзади янги китобида. Шунинг учун ушбу китоб Кубада тақиқланган.*

# ТОТУВЛИККА ҲАВАС ҚИЛАМАН

Эътироф

***Фаластин — араб дунёсидаги тараққиёт сари интилаётган давлатлардан саналади. Мамлакатда узоқ йиллардан буён давом этаётган беқарорликка қарамай жаҳондаги мустақил давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб боряпти. Зотан, Фаластин — Ўзбекистон ўртасида ҳам шундай ижобий алоқаларга асос солингандир. Фаластиннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Набиль Эльлахҳам билан шу ҳақда сўз юритдик.***

**— Набиль жаноблари, сурункали беқарорлик сиёсати Фаластин халқи бошига солаётган кулфатлардан хабардормиз. Бу, албатта, мамлакатингизнинг иқтисодий равнақига таъсир этмай қолмайди. Шундай бўлса-да, Фаластин тижоратчилари «жаҳон»га чиқишяпти. Тўғрими?**

— Фаластин кўпроқ жаҳон бозорига апельсин, мандарин ва бошқа цитрус меваларни экспорт қилади. Ялпи даромад ҳам шундан келади. Уруш, аввало, ҳар қандай давлатнинг иқтисодиётини издан чиқаради.

Фаластин халқи ҳам бугунги кунда шундай аҳволни бошдан кечирянпти. Шундай бўлса-да, жаҳоннинг кўпгина давлатларида ишбилармонларимиз фаолият кўрсатади. Шу ўринда Фаластинда мутахассислар, ижодкор, истеъдодлар кўплигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўзбекистонда ҳам кўпгина ҳамюртларим ҳамкорлик қилишади. Афсуски, ҳозирча иқтисодий алоқаларимизни бундан ҳам ривожлантириш имкониятимиз бўла туриб, чегараланиб қоляпмиз. Ўйлаймизки, яқин келажакда тинч осмон остида «борди-келди»ларимизни жонлантирамиз.

Ўзбекистондаги бугунги мустаҳкам тинчликни жафокаш фаластинликлар кўпдан умид қиладилар. Айниқса, кўп миллатли юртдаги халқларнинг ўзаро тотув яшашига ҳавас қиламан. Қаердаки, этник гуруҳлар бош кўтардими, демак бу гўшада нотинчлик келиб чиқиши турган гап. Аввало, миллатлараро хотиржамлик кайфиятини яратувчи омил — тўғри, адолатли сиёсатдир. Президентингиз бу масалага ҳамиша алоҳида эътибор бериб, ўта нозик сиёсий масалаларни ҳам вазминлик билан ҳал эта олиш салоҳиятига эга. Ислом Каримовнинг бугунги жаҳон сиёсат майдонидаги юксак обрў-эътибори айнан одилона — тинчликсевар ташқи сиёсатдир. Унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини мутолаа қилдим. Мен уни Шарқнинг тараққиёт дастури деб биламан.

Ўзбекистоннинг шу қисқа олти йил ичида эришган ютуқларининг пухта замини ҳам шу — халқона одил сиёсат. Заҳираларга бой бу юртнинг эли ҳам меҳнаткаш. Ўз эътиқодига содиқ бу мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўзи сезмаган ҳолда ноёб бахт эгаси, тинч-осуда ҳаёт қўйнида яшаяпти.

**Суҳбатни «Ўзбекистон овози» мухбири Саида ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.**

Турфа олам, турфа одам

# ҚУРБАҚА, КАЛТАКЕСАК, ЧИГИРТКА ВА...

Маълумки, гўшт масаллиқларнинг энг тўйимли ва фойдалисидир. Аммо жаҳонда бизнинг истеъмолимизга ёт бўлган айрим ҳайвонларни ейиш одатига эга халқлар ҳам бор. Қурбақа, калтакесак ва бошқалар. Буни қарангки, ана шу жониворлар жаҳоннинг анчагина халқлари учун энг лаззатли таом ҳисобланар экан.

Жумладан, қурбақа гўштини ўзларининг энг тансиқ таомлари деб биладиган Бразилия ҳиндулари шу неъматдан бошқа нарса ейишмас, агар қурбақа гўшти топилмаса, бир неча кунлаб оч-наҳор юраверишади. Қизиғи шундаки, қурбақахўрлар нафақат қабила бўлиб яшовчи ҳинду халқи, балки Франция, Италия, Япония, Хитой каби йирик мамлакатларнинг халқлари орасида ҳам учрайди. Бу мамлакатларда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби саноатлар ёнига 70-йиллардан бошлаб қурбақачилик саноати ҳам қўшилган. Ҳатто айрим мамлакатларда қурбақа гўшти консерваларини чиқарувчи корхоналар ҳам бор. Шундай корхоналардан бири Эроннинг Паҳлавий номли порт шаҳрида қурилган. Бу корхона ҳар йили 200 тонна қурбақа консерваси ишлаб чиқаради.

Хўш, нима учун ушбу турқи «совуқ» бўлган махлуқ кўпгина халқларнинг севимли таомига айланиб қолди?

Маълум бўлишича, қурбақа гўштида бошқа ҳайвон ёки паррандаларнинг гўштида бўлмаган фойдали моддалар бор. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида қурбақа гўштининг фойдаси батафсил ёзилган. Буюк ҳакимнинг ёзишича, қурбақа гўштини зайтун ёғига пишириб ейилса, мохов касаллигита ва турли заҳарли ҳашорат ёки ҳайвонлар чаққанда даво бўлар экан. Шунингдек, қурбақа гўшти чиллашир — сурункали ичкетар касаллигига чалинганларга ҳам фойдалидир.

Ҳозирги замон табобати томонидан ҳам қурбақанинг фойдали хусусиятлари аниқланган. Жумладан, маълум бўлишича, қурбақа танасида йод моддаси бор. Биз ҳар куни истеъмол қиладиган ош тузимизда ҳам, водопровод қувурларидан оқадиган сувда ҳам йод моддаси мавжуд. Агар инсон йодланмаган туз истеъмол қилиб, йод моддаси қолмаган сувни ичса, буқоқ касалига йўлиқиши мумкин. Туз кимёвий йул билан йодланса-да, сув табиат томонидан йод билан таъминланади. Уша таъминловчи — қурбақадир. Бу жонивор яшаган сув ҳавзаларида инсон учун зарур йод моддаси бўлади.

Яна бир қизиқ тафсилот. Бир вақтлар ўзбеклар ҳам бу ғаройиб жониворнинг гўштини истеъмол қилган. Хусусан, хонадонларида ҳовузи бўлмаган оилалар кўзаларда сув сақлашда қурбақа солиб сақлашганини биламиз.

Маълумки, кўзада узоқ вақт турган сувга чанг йиғилиши, пашша, ўргимчаклар тушиб қолиши, қуннинг иссиғида эса сув бўғланиб кетиши мумкин. Қадимда бекалар кўзадаги сувга қурбақа солиб қўйганлар. Қурбақанинг ўзидан совуқ нафас чиқарадиган хусусияти бор. Қурбақа солинган сув худди бир парча муз ташлаб қўйилгандек совуқ ва хуштаъм бўлиб турган. Бунинг устига, қурбақа солинган сувга бирорта ҳашарот яқинлаша олмаган. Топқир халқимиз ҳозиргидек музлатгичлари бўлмасада, ўтмишда ана шундай йўллар билан рўзғор юритган.

Оламда қурбақадан ташқари яна бошқа шунга ўхшаш жониворларни хуш кўриб, истеъмол қиладиган халқлар ҳам бор. Масалан, Гватемалада ҳиндулар калтакесак қовурдоқ деса, ўзларини «томдан ташлайдилар». Бозорларда калтакесак қовуриб сотувчи майда емакхоналар бор.

Индонезиянинг айрим ҳудудларида, Бирмада тансиқ таомлардан бири сифатида чигирткадан тайёрланган овқат шуҳрат қозонган. Бирмалик айрим қабилаларда чигирткани тутишлари билан чўпга тиқиб, кабоб қилиб пок-покиза тушираверишади.

Турфа оламда турфа халқлар яшайди. Одатлари, емаклари ҳам шунга яраша — турфа-да.

**Хайрулло НУРИДДИНОВ.**

Водийнинг бир чети, оқсоч Помир этакларидаги бу шаҳар кичик эса-да, республика саноатининг байроқдорларидан ҳисобланади. Машҳур «Кварц» корхонаси, чинни буюмлари заводи, кимё заводи ва бошқа қатор корхоналар мамлакатимизда таниқли. Лекин Қувасой 20-йиллар охирларида шу ерда қурилган кичик цемент заводи атрофида пайдо бўлганлигини кўпчилик билмаса керак. Қувасой цемент заводи билан бирга улғайди, ўсди, кенгайди. Қувасойликларнинг бутун бир авлоди тарихи шу корхона билан боғлиқ. Бироқ корхона Қувасойга муаммолар ҳам келтириб юрарди. Зеро, цемент заводидан ҳавога, сувга тарқаладиган зарарли моддалар нафақат шаҳарнинг ўзи, балки водийнинг экологик муҳитига салбий таъсир кўрсатарди. Бу ҳақда жуда кўп ёзилди, айтилди. 1990 йили биз бир гуруҳ журналистлар цемент заводи атрофларида тажриба ўтказгандик. Янги «Жигули» машинасини тозалаб ювиб, заводдан бир чақиримча олисдаги холи жойга қўйдик. Ярим соатдан сўнг машина усти юпқа цемент чанги билан қопланди... Бунинг устига кейинги йиллари корхонада ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасайиб кетди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кескин камайди. Маошни ўз вақтида ололмаган ишчи-хизматчилар корхонани тарк эта бошлашди. Бугунга келиб эса аҳвол кескин ўзгарди: «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиз саноатининг шу тармоқдаги энг ривожланган, маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари жадал ўсаётган, иқтисодий бақувват, рақобатбоп моллар ишлаб чиқараётган, чет элларга саноат маҳсулоти экспорт қилаётган даргоҳга айланди. Бозор иқтисодиёти шароитларида айрим корхоналар ўзини аранг эплаб, учма-уч кун кечираётган бир пайтда «Қувасойцемент» қандай қилиб ютуққа эриша олди? Шу хусусда сўзлаб беришни сўраб, корхона директори Худойберди Қосимовга мурожаат қилдик.

***— Худойберди ака, маълумки МДҲнинг аксарият давлатлари ва ҳатто ўзимиздаги айрим корхоналар ҳам ишлаб чиқаришда 90-йиллар бошидаги кўрсаткичлар даражасига етмаяптилар. «Қувасойцемент» эса ишлаб чиқариш кўламларини тобора кенгайтирянпти. Бозор иқтисодиёти шароитларида корхона дадил одим ташлаяпти. Бу ижобий парвознинг асосий омиллари нимада?***

— Дарҳақиқат, корхонамиз 1993 йили 650 минг тонна цемент ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йили 705 минг тонна цемент тайёрланди. Бу йил эса 730 минг тонна шундай маҳсулот тайёрланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳам кўпайди. Ҳозирги пайтда цемент, шифер, оҳак, алебастер каби беш хил маҳсулот корхонамиз дарвозасидан чиқмоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари салкам 107 фоизни ташкил этяпти. Албатта, ҳозирги шароитда харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Биз ишни юртбошимиз айтганларидек ҳар бир кишида — корхонанинг оддий фаррошидан тортиб раҳбаригача ўзида шу корхонанинг хўжайини ҳиссини шакллантиришдан бошладик. Токи ишчи ёки хизматчи корхонага бошлиқ буюрган ишни бажариш учунгина келаяпман деб ўйламасин, балки ўз корхонасида қанча яхши, серунум самарали ишласа, рўзғорига шунча барака киришини ҳис этиб келсин. Шу мақсадда 1995 йили корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Корхонадаги барча ишчи-хизматчилар акцияларни сотиб олишди. Ишчи-хизматчиларимизнинг ҳар бирида ўртача 30 тадан акция бор. Баҳоси 500 сўмдан бўлган ҳар бир акцияга ҳозирги пайтда 430 сўмдан дивиденд тўланади. Айнан худди шу нарса одамларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартирди. Улар тадбиркорлик, ўз иш жойида қандай қилиб кўпроқ самарага эришиш устида қайғурадиган бўлиб қолдилар. Ихтирочилар сафи кенгайди. Масалан, биз Россиянинг шимолидан ҳар бир тоннасини 230 доллардан асбест олиб келамиз. Маълумки, асбестсиз шифер тайёрлаш имкони йўқ. Ихтирочиларимиз пахта тозалаш заводларидаги қоладиган чиқинди — пахта гардини асбестга қўшиб шифер ишлаб чиқариш усулини кашф этишди. Натижада йилига 1000 тоннага яқин асбест тежаб қолиняпти. Бунинг устига пахта гарди қўшилган шифер чидамли, пишиқ, хизмат кўрсатиш муддати ҳам узоқ. Яна бир ихтирочимиз эса корхонанинг ўзида чиқитга чиққан асбестни қайта ишлаш ҳисобига цементнинг шўрга чидамли янги турини яратди. 500 маркали бу цементга америкалик мутахассислар ҳам юқори баҳо беришди.

Ислоҳот ва масъулият

# БЕҲИЗОРГА БУРКАНГАН КОРХОНА

**— Корхона қурилганига ҳам 60 йилдан ортиқ вақт ўтибди...**

— Фикрингизни тушундим. Корхона қайта таъмирланди, албатта. Бироқ таъмирлашда ҳам таъмирлаш бор. Мутахассислар билан маслаҳатлашиб биз биратўла жаҳон стандартлари даражасида таъмирлаш ишлари олиб бордик. Масалан, цемент хом ашёси қуйдириладиган печ авваллари Украинадан келтирилган ўтга чидамли ғиштлар билан уриб чиқиларди. Одатда бундай ғиштлар 8 ойга чидар, кейин печни тўхтатиб бир ой қайта ғишт уришга вақт сарфлардик. Энди эса биз бундай ғиштларни Словакия республикасидан ола бошладик. Словак ғиштлари билан урилган печ 16—17 ойга чидайди. Умуман, таъмирлаш ишларига шу кунгача 80 миллион сўм атрофида сарфладик.

**— Илгарилари эколог, санитария ходимлари салбий ҳолатлардан оғиз очишганда гапни албатта, «Қувасойцемент»дан бошлашарди...**

— Ҳе, биродарлар, мен ўзим шундоқ завод пастидаги қишлоқда, цемент гарди ютиб катта бўлган одамман. Яқинда Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бизни махсус диплом билан мукофотлади. Билмайдиганларга арзимайдиган туюлса-да, шу мукофотни қабул қилиб олар эканман кўзларимга ёш келди. Цемент комбинати ахир неча йиллар ҳавони булғамади? Қанча-қанча болалар, аёллар, кексалар ўпкасини жароҳатламади?! Корхонага раҳбар бўлиб келган биринчи кунимдан бошлаб ишни экологик муҳитни яхшилашдан бошладим. Маълумки, завод ишлаб чиқариш цехларида ҳавога кўп миқдорда цемент чанги учиб кетарди. Биз шу чангни ушлаб қолишнинг янги самарали усулини жорий этдик. Натижада кунига ҳавога учиб кетаётган 9-15 тонна цемент ушлаб қолиняпти. Ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида ҳам экологияни яхшиловчи шундай янгиликлар жорий қилинди. Натижада Қувасой осмони мусаффолашди. Одамлар эркин нафас ола бошлашди.

**— Корхонангиз иқтисодий фаолияти билан танишаётиб сизда дебитор қарзларнинг деярли йўқлиги диққатимизни тортди. Корхонангиз тараққиётига тушов бўлиб келган дебитор қарзлар муаммосини бартараф этишга қандай эришдингиз?**

— Бунда ҳам ўша ишчи-хизматчиларнинг корхонани ўзиники дея ҳис қилиши омилига таяндик. Дебитор қарзлар дарҳақиқат кўпайиб кетди. 250 миллион сўмдан ортиқ пулимиз бошқа корхоналар хазинасида ётувди. Улар ҳар хил баҳоналар билан қарз узишни орқага суришарди. Бунинг устига, кўпгина биздан қарз олган корхоналар банкротга учраяпти — синяпти. Хўш, банкрот бўлган корхонадан нимани ундирасан? Маслаҳатлашиб, бир ишга қўл урдик. Корхонадаги барча ишчи-хизматчиларга эълон қилинди: «Кимки бошқа корхоналардан бизга тегишли қанча маблағни ундириб келса, ўша одамга тушган маблағнинг ярим фоизи мукофот қилиб берилади». Яъни ишчими, бухгалтерия ходимими, раҳбарми биздан 1 миллион қарз корхонага бориб, ўша корхонадан пулни ундириб берса, ярим фоизи ўшаники! Кўп ўтмай, барча қарзларимизни кўплашиб ундириб олдик.

**— Истеъмолчилар билан муомалада қандай янгиликлар юз берди?**

— Энди албатта, режага кўра тақсимлаш даври ўтди. Буёғи бозор иқтисодиёти, маркетинг деганларидек... Ҳиссадорлик жамияти Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида ўзининг 70 та дўконини очди. Бу фирма дўконларда аҳолига цемент, шифер, оҳак ва бошқа маҳсулотларимиз сотилади. Дўконларимиз мотор-аравачалар билан таъминланган. 50-100 кило цемент ёки оҳак керак одамларга уйигача маҳсулот ташиб берилади. Умуман биз қурилиш маҳсулотлари сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш ниятидамиз. Корхонани таъмирлаш ишлари давом этяпти. Ўзимизда ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш цехи қурилянпти. Йил охиригача уни ишга туширамиз. Натижада Словакиядан шундай ғишт келтиришга ҳожат қолмайди. Яқинда ишга туширилган чўян қуюв цехи янада такомиллаштирилади. Бу цех ҳозирданоқ оғиримизни енгил қиляпти. Чет эллардан келтириладиган эҳтиёт қисмларнинг катта қисми ўзимизда тайёрланяпти. Маҳсулотларимиз ҳозирданоқ жаҳон бозорига чиқди. Ниятимиз энг аввало республикамизда давом этиётган улкан қурилишлар учун энг аъло сифатли қурилиш хом ашёси билан таъминлаш. Кўкдумалоқ газ компрессор станцияси, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкентнинг янги муҳташам иншоотлари ва бошқа қатор улкан қурилишларда бизнинг маҳсулотларимиз ҳам ишлатилаётганлигидан бахтиёрмиз.



**— Корхона бақувват. Шунга яраша одамларнинг маошлари, турмуш шароитлари ҳам яхши бўлса керак**

— Корхонага қарашли учта болалар боғчаси, юз ўринли сиҳатгоҳ, дам олиш масканлари ишлаб турибди. 30 гектарлик ёрдамчи хўжалигимиз бор. Ҳар куни цехларга қовун-тарвуз келтирилади. Шу мавсумда 64 тонна қовун-тарвузни бепул тарқатдик. Арзон нархда пиёз, картошка ва бошқа сабзавотлар берилди. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 3,5-4 минг сўмданга тўғри келади. 280 ўринли шаҳар шифохонасини оталиққа олганмиз. Ўтган йили бу шифохонага 10 миллион сўм сарфлаб таъмирлаб бердик.

Асл касби инженер-электрик бўлган Худойберди Қосимов Чирчиқда ишлаган, Қувасойда анча йиллардан бери меҳнат қилади. 1993 йилдан буён «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси. Корхонани айланиб юриб ғаройиб бир ҳолга дуч келдик. Корхона ҳовлилари, йўлаклар топ-тоза, ҳар бир цех, маъмурий бино атрофидан ўтказилган ариқлар ёқаларида ўнлаб, юзлаб, минглаб... беҳилар! Эгилган шохлардаги сап-сариқ олтиндай беҳилар нигоҳингизни тортади. Худойберди аканинг айтишича, вилоятдаги боғдорчилик хўжаликларидан бири «бесамара» деб беҳизор боғларни қўпоришга киришибди. Шунда у хўжалик раҳбари билан келишган-да, у ердаги 6 минг туп беҳини корхонага келтириб эктириб юборган! Омад чопса шундай бўларкан, 10-15 йиллик, каллакланган беҳилар хато қилмай қўкарибди ва ҳатто гуллаб мева ушлабди! Бу мўъжизага қараб ўйга толдик. Омилкорлик, ерга, корхонага, ишга муҳаббатнинг бир намунаси, қолаверса келажаги буюк Ўзбекистонимизни қутаётган буюк омадлардан бир ғунча эмасми бу!

**Норбобо ШАКАРОВ,**
**Алишер ИБОДИНОВ.**

**СУРАТЛАРДА: 1. «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти раиси Х. Қосимов. 2. Механика цехининг тажрибали токари А. Яшников.**

**И. УСМОНОВ олган суратлар.**

# РУМИЙ САБОҚЛАРИ

### ШУКРОНА

Бу йил ўзбек халқи бутун тараққийпарвар халқлар билан биргаликда улуғ шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румий таваллудининг 790 йиллигини ўз миллий-маданий байрами сифатида кенг нишонламоқда.

### ШЎРОЛАР ЗАМОНИДА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Шўролар замонида Жалолиддин Румий номи мунофиқлик билан халқ назаридан четда сақланарди. Бизда шарқ буюклари тўғрисида фақат рус матбуотида айтилган гапларгина такрорланар, агар уларнинг асарлари русчада нашр этилган бўлса, ўзбекчада ҳам чоп этилар, акс ҳолда худди бундай сиймо оламда бўлмагандай билиб-билмаслик сиёсати юргизиларди. Жалолиддин Румий асарлари эса русчада чиқмаган, фақат айрим шарқшунос олимлар, жумладан, Е. Э. Бертельс, В. А. Гордлевский, И. С. Брагинский, А. Е. Бертельсларнинг узун-қисқа тадқиқотлари мавжуд эди. 60-йилларда Нозим Ҳикмат билан яқиндан дўстлашиб қолган рус журналист-ёзувчиси Радий Фиш ўз дўстидан Жалолиддин Румий ҳақида мароқли ҳикоялар тинглаб, у доҳиёна шоир бўлганлигига қаноат ҳосил қилгач, унинг ҳаёти ва ижодини тўла ўрганиш учун Туркияга кетади. У ерда Мавлоно Жалолиддиннинг барча асарлари билан танишади. Турк олими Абдулқодир Гулпинарлининг барча тадқиқотларини ўрганади. Теҳрон университетининг профессори Бадиуззамон Ферузанфарнинг «Зандагони Мавлоно Жалолиддин» номли китобини «эзиб ичиб» ўқийди ва ниҳоят 70-йилларнинг бошида Р. Фиш ўзининг «Жалолиддин Румий» тарихий-биографик романини ёзади. Асар Москвада, 1972 йилда «Молодая гвардия» нашриётида босилиб чиқади. Роман гарчи социалистик реализм ақидалари асосида кўп жиҳатдан ишонарсиз таърифлар билан битилган бўлса ҳам, унда бир қадар тарихий ҳақиқатлар ҳам йўқ эмасди. Шоир Жамол Камол романни ўзбек тилига ўгирди. Ва у 1986 йилда 45.000 нусхада чоп этилди.

1

### ЗУННУН МИСРИЙНИНГ ЖИННИХОНАГА ТУШГАНИ БОРАСИДА

Жалолиддин РУМИЙ

*Маънавият чироқлари*

I.

Тарихда гаплар кўп: кунлардан бир куни
Жинни бўлиб қолди Мисрли Зуннун.

Унинг жазаваси ортиб борарди.
Осмондан осмонга кетиб борарди.

Жигарлар, дўстларнинг ҳоли паришон
Не чора даво, деб бўларди сарсон.

Эй Замин! Ўзингни бир оз қўлга ол,
Покларни жўштириб, айлама завол.

Халқ чидай олмасди унинг ҳолига,
У олов тутарди халқ соқолига.

Тинмагач, ўт тутиб ҳар бир инсонга,
Солдилар охири уни зиндонга.

Подшоҳлар чўчишар, чиқса бир ғавғо —
Оломон кўр бўлар — бошлар ҳар бало.

Беғамлар қўлида бўлса гар қонун —
Зиндонга тушади ҳар қандай Зуннун.

Унга йўловчилар бердилар дакки,
Юл, дедилар, буни... Бу ишинг чакки.

Юлмади, ҳеч кимга солмади қулоқ,
Тиконлар авжланиб кўпайди шундоқ.

Одамлар ўтишга қийналар эди,
Оёғи қонларга беланар эди.

Тилиниб кетарди эгни, пайпоғи
Йўқсул болаларнинг чатнаб оёғи.

Маҳалла бошлиғи: «Юл!» деди бир кун
«Хўп» деди, «Бу жойни айлагум гулгун».

Лек, эрта, индин деб кўп ўтказди вақт,
Тикон илдиз отиб, етилди дарахт.

Бошлиқ деди: «Эй сен, ваздаси ёлғон,
Ваздангнинг устидан чиқасан қачон?!»

У деди: «Ҳар ишнинг вақт-соати бор»
Деди: «Бас, орқага ташлама зинҳор!

Сен эртага дейсан, сўнг дейсан кейин,
Шуни яхши билки, кун ўтган сайин.

Метинлашиб кетар бу ёмон дарахт
Ўткирлашиб кетар тикони у вақт.

Сен эса кундан-кун қариб борарсан,
Кучдан ва қувватдан ариб борарсан.

Тикон кучланмоқда бўйи чўзилиб,
Тикон кесувчининг кучи узилиб.

Тикон ҳар нафасда топмоқда камол,
Тикон кесувчида битмоқда мажол.

Қариб бормоқдасан, ишни тезроқ қил,
Бебаҳо вақтингни бой берма, шошил».

Эй, менинг дўстларим, эй, азиз инсон,
Ҳар бир ёмон феълинг, билки, бу — тикон.


*Vatanni sevmak iymondandur!*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 30 sentabr, seshanba № 115 (22.199).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan


Бундан ташқари шоир ва таржимон Шоислом Шомуҳамедов ҳам Румийнинг «Катта девон»дан бир неча ғазалини ўзбекчада нашр эттирди. Бўлгани шу. Мустақилликка Румий ҳақида ҳеч нима йўқ эди.

### РУМИЙНИНГ НАСАБИ, ЗАВЖАСИ ВА АВЛОДЛАРИ

Румий ҳазратлари Мавлоно деб шаҳрат топганлар. Мавлоно сўзининг ўзаги «мавло» эканлиги ва бу сўз амакиваччa, қўшни, дўстини қўриқловчи, дўст, ўртоқ, куёв, яқин маъноларида ишлатилиши араб изоҳли луғатларида кўрсатилган. Саҳиҳи Бухорийда Пайғамбар Хожамиз ўз қули Зайдга: «Эй Зайд! Сен қардошимиз ва Мавломизсан» деганлари ривоят қилинган. Бу ҳадис ҳам мавло сўзининг маъноси араб луғатларида тўғри кўрсатилганлигини исботлайди.

Мавлононинг тўла исмлари: «Муҳаммад Жалолиддин».

Оталарининг тўла исми: Муҳаммад Баҳоуддин. Олимлар султони бўлганлар.

*СУРАТДА: ўзбек ижодкорлари — Азим Суюн, Эркин Воҳидов ва Ҳуршид Даврон Жалолиддин Румий мақбараси қошида. (1992 йил).*

Аждодлари: Ҳусайн ал Балхий, ибн Аҳмад ибн Мавдуд ибн Собит, ибн Мусаййиб ибн Мутаҳҳар, ибн Ҳаммод, ибн Абдурраҳмон ибн Абу Бакр.

Оналарининг оти: Муъмина Хотун. Хоразмшоҳ ҳукмдорининг қизи.

Туғилган чоғлари: 30 сентябрь 1207 йил, Балх. Балх ўша даврда Хоразмшоҳларнинг тараққий этган бир шаҳри эди.

Вафот этган чоғлари: 1273 йил, 12 декабр. Кўнё шаҳри. Бу шаҳар турк аслли Салжуқийлар давлатининг бошкенти бўлган.

Уйланган вақтлари: 1226 йил. Завжаларининг оти Ғавҳар Хотун. Шарафиддин Самарқандийнинг қизи бўлганлар. Ундан Баҳоаддин Султон Валад ва Алоаддин Муҳаммад Чалабий деган икки ўғиллари бўлган.

### РУМИЙНИНГ АСАРЛАРИ

МАСНАВИЙ. Девон адабиётининг бир шеър тарзи бўлган маснавий йўлида ёзилгани учун китоб маснавий номини олган. Бошдан то охиригача манзум, форсча ёзилган (ўша замон бадиий адабиётининг тили) 25.700 байтдан иборат. Олти жилдни ташкил қилади.

2

КАТТА ДЕВОН (Шамс Табриз девони деб ҳам аталади). Ғазаллар ва рубоийлардан ташкил топган. Саккиз жилд. 60.000 мисрани ўз ичига олади.

ФИҲИ МО ФИҲ (Ичингдаги ичингдадир). Мавлононинг ваъз ва ўгитлари қайдларидан майдонга келган форсча мансур бир асардир. Айрим бўлимлари Салжуқий вазири Сулаймон Парвонага хитобан ёзилган. Ўша давр сиёсий воқеаларига ҳам боғлиқлиги учун тарихий манбаидир. Тасаввуфдаги дунё ва охират, сулук ва унинг даражалари, муршид ва мурид муносабатлари, имон, ишқ-муҳаббат, амал, ахлоқ, ибодат сингари мавзулар қаламга олинган.

МАВОИЗИ МАЖЛИСИ САБЪО (Етти мажлисда айтган ваъзлари). Мавлононинг арабча айтган хутба ё ваъзи қайдларидан юзага келган диний-тасаввуфий манзум-мансур бир асардир. Ҳар фасл ҳамду сано ва муножот билан бошланиб, мавзу, ҳикоялар ва шеърлар билан жозибали бир шаклда ишланган, оят ва ҳадислар тафсир қилинган.

МАКТУБОТ (Хатлар). Мавлононинг Салжуқий султонларига, давлат арбобларига ёзган 147 мактубидан ташкил топган.

3

### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА РУМИЙ НАШРЛАРИ

1994 йили шоир Жамол Камол Румийнинг ўзбекча китобини нашр эттиришга муваффақ бўлди. «Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман» номи билан «Боқий сатрлар» рукни остида чиқарилган бу китобчага Румийнинг саккиз маснавийси ва 53 рубоийси киритилган. Таржимоннинг биринчи бўлиб Румийни ўзбек ўқувчисига танитишга интилгани ғоят катта ҳимматдир. Шоир Тоҳир Қаҳҳор тўпламга анчагина мукаммал сўнгсўз ёзиб, китобнинг қимматини янада оширган. У, Жалолиддин Румийнинг турк султонлари қурган давлат муҳитида етилган шахсият эканлигини кўрсатаркан, айни чоғда унинг зот жиҳатдан ҳам Хоразмий эканлигини, онаси Хоразмшоҳлар авлодидан эканлигини, бир жиҳатдан араблар билан туташлиги, иккинчи жиҳатдан форс адабий муҳити таъсирида таълим олиб, форс тилида жаҳон адабий мулкининг даражасини юксакларга кўтарганини далиллайди. Назаримда бундан кейинги йилларда Румий шахсияти ва ижодиётига қизиқиш кучайди. Ўзбекистон матбуоти саҳифаларида Румий ижоди, фалсафий-диний, суфий қарашлари тўғрисида кўплаб мақолалар эълон қилинди. Румий асарларидан таржималар тез-тез кўзга ташлана бошлади.

Шу кунларда Румийнинг «Фиҳи мо фиҳ» («Ичингдаги ичингдадир») асари ўзбек тилида нашрдан чикди. Уни туркчадан Улуғбек Абдуваҳоб таржима қилган, муҳтарам олимимиз Нажмиддин Комилов сўзбоши ёзган. Румий таваллудининг 790 йиллиги арафасида бу китобнинг нашр этилганлиги ўзбек халқи учун яна бир қувонарли ҳодиса бўлди.

### РУМИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЁТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мустақил Ўзбекистон давлат сиёсатининг асосида бугунги ва келгуси авлодларимизни имон-эътиқоди мустаҳкам, ватанпарвар ва элпарвар комил инсонлар қилиб етиштириш вазифаси туради. Ўз азалий юртини ва ўз-ўзини таниш, ҳаётдан, яшашдан мурод нималигини англатиш, Оллоҳга, Ҳақ-қа, пайғамбарларга инониш, меҳнатсевар ва ғайратли бўлиш, ҳалол даромад топиш, келажакка ишонч, севги-муҳаббатли бўлиш, инсоннинг инсонийлик шарафини баланд кўтариш каби олий вазифалар ҳар бир ватандошнинг жон тўрида турган мўътабар вазифалардир. Худди ана шу жабҳада Жалолиддин Румийнинг ҳаёти ва ижодиёти ҳаммамизга жуда яхши қўл келмоқда. Ўз даврида Румийни ҳам шу масалалар ўйлантирарди ва у умрини шунга бағишлади. Бутун инсоният Румий меросини ўз меросидай севиб ўрганаётгани бежиз эмас.

4

Румий вафотининг бир жиҳатига эътибор беринг: 1273 йили Кўниёда шоир жанозасига турклар, форслар, араблар, фақат мусулмонлар эмас, яҳудийлар, исовийлар ҳам тўпланишиб, шоир тобути устида Таврот ва Инжил ўқишарди. Мусулмонлар ўзларини ноқулай ҳис қилишарди. Одамлар шаҳар ҳокимига мурожаат қилишди. Ҳоким уларнинг поплари, ҳоҳомларидан сўради: «Бунинг сизларга нима кераги бор? Бу жаноза мусулмон бир олимнинг жанозаси бўлса». Улар эса: «Биз бу олим орқали барча пайғамбарларнинг ҳақиқатига воқиф бўлдик ва унинг шахсиятида комил авлиё сийратини кўрдик», деб жавоб бердилар. Дарҳақиқат, Румий ўз «Маснавий»сида 760 марта Қуръон оятларига, 745 марта 703 ҳадисга мурожаат қилади ва улар орқали Ислом динининг демократик ва умумбашарий моҳиятини очиб беришга жон бағишлаган.




*Жалолиддин Румий «Маснавий-и маънавий» асарининг туркча нашри.*

Бизнинг Ўзбекистон диёримизда бугун барча миллатлар ва элатларга, қайси динга эътиқод қўйганидан қатъи назар, кенг фаолият майдони яратилган. Ва биз исломнинг ва урф-одатларимизнинг, маданий бойликларимизнинг умумбашарий қиймати ва аҳамиятини кўрсатишда ҳам Румий ижодиётига қайта-қайта мурожаат қиламиз.

Камина ҳам кейинги йилларда Румий «Маснавий»сининг олти жилдлик туркча нашри мутолааси ва таржимаси билан машғул эдим. Ҳар бир жилддан тўрттадан 24 маснавийсини ўзбек тилига таржима қилдим ва уларни матбуот саҳифаларида эълон қилиб келмоқдаман. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қилаётирман.

**Миразиз АЪЗАМ.**

Қалам ҳасадчида бўлса, на илож? —
Дорга кетаверар Мансур-и Ҳаллож.

Ёмонлар бошқарса қишлоқ-шаҳарни —
Ўлдириш шарт бўлар — пайғамбарларни.

Ҳунуклар ўтказса ҳукмин ёзуққа —
Юсуфлар ташланар тубсиз қудуққа.

Беғам ва ҳасадчи, ҳунук ва ёмон,
Балки яшар ерда, ғам кўрмай омон.

Лек, ифлос ишлари маҳшарда, қуёш —
Чиққандай, албатта этилгайдир фош.

Мунофиқ ва собит, мард ила номард
Солиҳлар наздида фарқланмоғи шарт.

2.

Зуннун шогирдлари бўлдилар залил...
Бир кун устоз ҳолин этдилар таҳлил:

Дедилар: «Ҳаммани қилиб хавотир
Ўзин атай жинни кўрсатаётир.

Аслида жиннимас, ўзи соппа-соғ,
Ақлу закосидан жиннилик узоқ..

Балки, бу ишида бордир бир ҳикмат,
Динимизда бир-ку қибла ва оят».

Дедилар: «Жиннилик бўларди жинни
Денгиздай ақлидан оздирса уни.

Телбалик булути — асрасин Худо —
Зуннуннинг ойини тўсарми? Асло!

Йўқ, авом шарридан қочган зиндонга,
Уятдан ўзини солган нодонга».

3.

Устознинг ҳолидан хулласи калом,
Шогирдлар топмоқчи бўлдилар паём.

Бордилар шаҳарнинг тунд зиндонига
Амаллаб кирдилар Зуннун ёнига.

Лекин у: «Сиз кимсиз?» дея сўз қотди,
«Менга яқин келманг!» деб наъра тортди.

Дедилар: «Дўстларинг бўламиз, Ота!
Аҳвол сўраб келдик, бўлма безовта...

Эй, ҳунар соҳиби, доно, билимдон!
«Озган!» деб ақлингга айлама бўҳтон!

Тутун етоларми ҳеч вақт қуёшга?
Қай тентак тенглагай зумрадни тошга?

Сен биздан яширма, ҳолингни англат,
Биз сени севамиз, айт, бу не ҳолат?

Сени севганларни ҳайдаш яхшимас,
Юзда парда билан алдаш яхшимас.

Сирни ўртага тўк, эй Олий Ҳазрат!
Надир бу юзпарда? Бунда не ҳикмат?

Биз, сени севганлар, яралидирмиз,
Икки дунёда ҳам сен билан бирмиз».

У бирдан жиннича сўйлай бошлади,
Ўртага бемаъни гаплар ташлади.

Сўнгра сапчиб турди. Тош кесак олиб
Сочди афтларига дағдаға солиб.

Улар жонҳолатда ҳар ёққа қочди,
Бир зумда зиндондан қораси ўчди.

Гулдираб таралди шунда қаҳқаҳа:
— «Дўстмиз» деганларни кўрингиз, ҳа-ҳа!

Бу дўстлар яшаган ҳавони кўринг!
Жонларига ўтган жафони кўринг!

Айтингиз, чин дўстлик бўларми шундай?
Дўстдан келган яра бўлар-ку жондай!

Севганга севикли келтирган яра
Ҳеч оғир келарми, бир ўйлаб қара!

Яра — моддий нарса, севги — бу, ичдир,
Ич эса ярадан ўзгармас ҳеч бир.

Севган зот — олтиндай, бало — оловдай,
Соф олтин оловда порлар яловдай.

### БИР БОШЛИҚ, ЕРГА ТИКОН ЭККАН ОДАМГА, БУ ТИКОНЛАРНИ ЮЛ, ДЕБ БУЮРГАНИ

Бу иш, сўзи ширин, феъли бад инсон
Йўл узра экканга ўхшайди тикон.

Ахир, айтмабмидим, сенга неча бор
Тикон юрганингда бергай, деб озор?!

Қанча яралади сени баъд феълинг,
Аммо туйғусизсан, сезмайсан ҳолинг.

Ҳунук феълинг бошқа одамларга ҳам,
Билмайсан, ўтказиб келмоқда алам.

Наҳот эътиборинг тушмас аларга —
Ҳам ўзингга дардсан, ҳам ўзгаларга.

Ё қўлга болта ол, ўхшаб эркакка
Кесиб ташла жангда яккама-якка.

Ё тиконни бир гул ҳолига келтир
Шўъласи ёрингга пуркасин атир.

### МАЖНУН БИЛАН ТЕВАНИНГ САВДОСИ

Лайлони соғиниб кунлардан бир кун
Саҳрога йўл олди бечора Мажнун.

Афсуски, теваси юрмас эди тез,
Бўйнидан қучоқлаб Мажнун дер шу кез:

— Биламан мен сени, эй она тевам,
Бошимиз савдоли иккимизнинг ҳам.

Иккимиз бир хил дард адоларимиз,
Аммо айро-айро савдоларимиз.

Сен ортга кетмоқни истайсан, тевам,
Мен олдга бормасам емиргувси ғам, —

Мажнун Лайлосига умтилар эди,
Тева бўтасига интилар эди.

Мажнун бир дақиқа кетса ўзидан
Теваси қайтарди ортга изидан.

Ишқ дарди Мажнунга гўё тутар май,
Иложи йўқ эди ҳушидан кетмай.

Аввал Мажнун бундай толмасди ўйга,
Ишқ дарди ақлини солди шу кўйга.

Лекин тева хушёр борарди йўлда —
Эпчил эди. Тизгин бўшашса қўлда,

Мажнун ҳушсизлигин фаҳмлаб дарҳол
Орқага йўл солар эди бемалол.

Мажнун ўзига келиб кўрарди ногаҳ
Орқага кеттанин бир неча фарсаҳ.

Улар шу алфозда юрдилар уч кун,
Йиллар йўқоттандай эзилди Мажнун...

— Эй тева, — деди у, — ошиқмиз икков
Лекин қаршидирмиз бировга биров.

Демак, нолойиқмиз йўлдош бўлмоққа,
Орқадош бўлмоққа, қўлдош бўлмоққа.

Сенинг севгинг менинг севгимга ғаним,
Ажрашмасак бўлмас. Ҳақ — аҳдим маним. —

Ўзин пастга отди шундай деб Мажнун.
Қум билан тупроққа беланди бутун.

Теванинг Мажнунга, унинг тевага
Ёвлиги, айтайми, ўхшар нимага?

Бу — ақл ва нафснинг ёвлигидайдир.
Иккови бир-бирин ғажишга шайдир.

Кенг саҳро Мажнунга бўлиб кетди тор,
Ўзини қум-тошга ураверди зор.

Аъзойи бадани эзилиб битди,
Оёғи қирилиб, титилиб кетди..

Яра-чақаларин боғлаб деди у:
— Чавгон тўпи бўлай, босмасин уйқу.

Урилиб-урилиб кетай қошига,
Думалаб-думалаб етай қошига. —

Бу гўзал сўзлари шод этди Ҳақни,
Қўллади танин от этган ошиқни.

Лайло севгисидан Оллоҳ севгиси
Оз эмас. У бизга қанот бергуси.

Тўп бўлиб ҳақиқат хизматида тур,
Ишқ чавгони мисол юмала, югур.

Етарсан Оллоҳнинг жозибасига
Зор бўлмай банданинг бир тевасига.

Бахт топарсан Ҳақнинг жазби кетидан,
Устун ул инсу жинс ибодатидан.

Бу жазб бошқа жазбдан фарқлидир тамом
Пайғамбар ҳам буни билган, вассалом.


«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ
Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини
Телефон: (3712) 133-40-07.


### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон почтаси» Давлат - акциядорлар компанияси 1998 йил учун республика газета ва журналларига

**ОБУНА БОШЛАНГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

Сиз барча алоқа бўлимларида, обуна қабул қилиш пунктларида ҳамда жамоатчи матбуот тарқатувчилар ва хат ташувчилар ёрдамида ўз Севган нашрларингизга обуна бўлишингиз мумкин.

Обуна бўйича керакли маълумотни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: **133-60-78, 133-67-98, 34-85-88.**


Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.*
*факс — 133-38-55, 133-54-55*

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
*Андижонда — 24-16-48;*
*Бухорода — 23-80-06;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-31-86;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Каттақўрғонда — 5-33-46;*
*Тошкентда — 33-76-04;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 24-54-61;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Қумқўрғонда — 5-26-24.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 33 824 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0578

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 23.00.*
*1 2 3 4 5 6.*

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА